РОМАНТИЗМ- ЭСТЕТИК МЕТОДОЛОГИЯ СИФАТИДА

Ойсулув Жамолиддиновна Ўроқова
Андидон давлат тиббиёт институти
Фалсафа доктори (PhD), доцент

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада романтизм тушунчаси ҳаётни эстетик билишда бадиий метод сифатида инсоният маданиятининг бутун тараққиёти давомида шаклланиб борганлиги, романтизм услуб сифатида оламни англашда қаҳрамонлик ҳақидаги халқ достонлари, эртак ва ғайриоддий ҳикояларда, воқеийликка нисбатан имконни ўрнатишни, ҳолат ва инсон шахсининг ноёблиги, инсон ва табиатнинг яҳлитлиги, инсон қалби фалсафаси ва тасвирланадиган мавзуларни идеализация қилишда намоён бўлганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: романтизм, эстетика, бадиий ижод, инсон қалби, қаҳрамонлик, санъат назарияси, эстетик баҳо, мистика, лирика, табиатни илоҳийлаштириш.

ROMANTICISM AS AN AESTHETIC METHODOLOGY

Oysuluv Jamoliddinovna Urokova
Andijan Stade Medical Institute
Doctor of philosophy(PhD), Associate Professor

ABSTRACT

In this article, the concept of romanticism as an artistic method of aesthetic knowledge of life has been formed throughout the development of human culture, folklore about heroism in understanding the world as a romantic style, in fairy tales and supernatural stories, the possibility of reality, the uniqueness of the situation the philosophy of the heart and the idealization of the subjects depicted.

Keywords: romance, aesthetics, artistic creation, human heart, heroism, art theory, aesthetic evaluation, mysticism, lyricism, deification of nature.

КИРИШ

Романтизм ҳаётни эстетик билишда бадиий метод сифатида инсоният маданиятининг бутун тараққиёти давомида шаклланган. Романтизм услуб сифатида оламни англашда қаҳрамонлик ҳақидаги халқ достонлари, эртак ва

ғайриоддий ҳикояларда, воқеийликка нисбатан имконни ўрнатишни, ҳолат ва инсон шахсининг ноёблиги, инсон ва табиатнинг яҳлитлиги, инсон қалби фалсафаси ва тасвирланадиган мавзуларни идеализация қилишда намоён бўлган. Европа романтизми XVIII асрнинг охирлари ва XIX аср бошларида, романтик мушоҳаданинг юксак намунаси сифатида, романтизм эстетикасини шаклланишига таъсир кўрсатган. Бу романтизм анъанавий ва қонунлаштирилган бадиий услубларда ўзини ифодасини топган. Бундай олиб қараганда, барча айтилганлардан ва қолган ҳусусиятлар йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда романтизм каби мураккаб ходисага аниқлик киритиш мумкин. Лекин, барибир, романтизмга берилган таърифларда ёки жуда умумий ва абстракт, ёки уларга нимадир етишмайди. «Романтизм формулалари бир нечта, аммо, у билан барча адабиёт тарихчилари маъқуллаб, қолганларни батамом боса оладигани ҳали хануз мавжуд эмас».

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кўпгина илмий тадқиқотлар, хусусан санъат назарияси, рассомлар, шоир ва ёзувчилар илмий меросининг кенг қамровли тадқиқотларига мурожаат этганда романтизмнинг ўзига хос методологик жиҳатига диққат эътиборни қаратганлар. Бунинг натижасида забардаст инглиз, рус, америка, француз ва х.к. романтизмига доир сон-саноқсиз тадқиқотлар вужудга келди. Жумладан, Л.Тимофеев. О понятии художественного метода. Сборник «Творческий метод». М.: 1960, Ф.М.Головенченко. Введение в литературоведение, М.: 1964, У.Р.Фохт. Некоторые вопросы теории романтизма. (Замечания и Гипотезы), Н. Я.Берковский. О романтизме и его первоосновах. Сб. «Проблемы романтизма». М.: 1971, И.Волков. Романтизм. Сб. «Творческий метод», М.:1960, В.В.Ванслов. Эстетика романтизма. М.: 1966, А.Н.Соколов. К спорам о романтизме. ;Сб. «Проблемы романтизма». М.:1967 ва бошқа адабиётлар мисол келтиришимиз мумкин.

МУҲОКАМА

Кўпинча, романтизмни аниқлаштиришда, кўриниш предметсиз, воқеа-ходиса моҳиятсиз қаралган, яъни романтизм маълум бир бадиий англаш усули сифатида эмас, балки баъзи аломатларнинг йиғиндиси сифатида талқин қилинган. Бу усул ушбу атамани тўлиқ англаш эмас, олдиндан белгиланган ҳодисалар айланасини белгилашдир.

Л. Тимофеев ёзишича: «Санъатнинг романтик тури - рассомлар томонидан хақиқатга эстетик баҳо беришни аниқ таъкидлаш, уни ўз эстетик идеаллари

билан таққослаш ҳамда инкор этиш ёки у ёки бу томонларини тўғри дея таърифлаш билан боғлиқ... Романтик санъатда ҳаётий жараёнларнинг шундай томонлари очилишига интилиш тенденцияси мавжудки, рассом хали уларни реал ҳаёт билан таққослай олмасада, аниқлаштирмоқчи бўлган, кўпроқ ўз идеалига мос бўлган томонларини очишга интилиш бўрттирилган. Айнан шу сабабли ҳам, романтизмда ҳамиша мавжудотни танқид қилиниши кучи ва реал ҳаётдан кескинлик билан қочиш, бир-бирига монеъ бўлиб келган, романтизм шавқат қилмайдиган, у билан кураш олиб борадиган барча нарса, айтилган фикр даъвонинг шавқ-завқи, жўшқинлиги, очилиши керак бўлган хақиқатлар ўзининг тум борлиғи ва гўзаллиги билан ниҳоядаги гиперболагача етади.

Шу ердаги биз ажратадиган ҳаётнинг романтик хусусиятлари: фантастиклик, шартлилик, воқеа ва ходисалар характерларнинг ўзига хослиги – булар, рассом интиладиган умумлаштириш ва таъкидлашнинг шартларидир... Лекин бу ҳусусиятлар реал ҳаёт қонуниятларини акс эттириш учун романтизмга тўғаноқ бўлолмайди» [1]

Биринчидан, «воқеълик, хақиқатни қатъий эстетик баҳолаш», «ҳаётий жараёнларни очишга интилиш тенденцияларининг ўткирлашуви», «мавжуд воқеа-ходисаларни танқид остига олиш», «ҳаётдан узоқлашиш», «фикрлар завқ-шавқи» мавжудлиги аслида асосан реалистик ижодга хос эмасми? Иккинчидан, «фантастиклик» ва «шартлилик» реалистлар томонидан рассомнинг ғоялари ва идеалидан келиб чиқиб қўлланилади.

Учинчидан, Л.Тимофеев таъкидлаганидек, субъективизм ва бўрттирилган эмоционаллик романтизмга хосдир.

Аммо, биз романтик-рассомлар ижодини фақатгина субъективизм намойишлари сифатида қарасак, унда уларнинг ижод маҳсули саъат тарихида ўрин тутмаган бўлар эди. Бўрттирилган эмоционаллик асосан, сентименталистларга хосдир, лекин бошқа тарафдан, бадиий образни гавдалантиришни ва умуман санъатни эмоционаллик ва тимсолга хиссиёт бахш этишсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Агарда романтиклар субъективизм, кучли эмоционаллик, шартланганлик, ва намойишларнинг фантастиклиги билан ажралиб турсалар, унда, «реал воқеълик қонуниятлари»ни қандай қилиб акс эттирадилар.

Хақиқатдан ҳам романтизм реал воқеълик қонуниятларини акс эттирса, демак, романтикларнинг бадиий англаш усулларида ва уларнинг маънавий тузилишида бирдамлик ва монандлик яъни гармония мавжуд, шу сабабдан ҳам биз романтизмни ижоднинг маълум бир тури, ҳаётни англашнинг муайян усули сифатида характерлаймиз.

Ф.М.Головенченко ёзишича: «Романтиклар учун барча экзотик, ноанъанавий ва ёркин нарсаларга қизиқиш хос, бу эса атрофдаги воқеъликнинг хақиқий рангсиз ва хунуклигига қарама-қаршидир. Романтикларнинг ноанъанавий вазиятларда ғайриоддий характерларга нисбатан бўлган мойиллиги баланд бўлган. Романтик услубнинг эмоционаллиги рангларнинг ёркинлиги, ранго-ранглиги, тилнинг метафорага бойлиги, ижоднинг умумий туси баландлиги, руҳиятининг кўтаринкилигида намоён бўлган. Шартлилик, фантастиклик, характерларнинг ва ходисаларнинг ғайриоддийлиги – типларга ажратишда романтикларнинг асосий ҳусусияти бўлган».[2]

У.Р.Фохт ёзишича: «…романтизмнинг бадиий метод сифатидаги гносеологик муқаддимаси бўлиб борлиққа интуитив киришиш ҳисобланади; романтизм учун жамиятдаги қулай шароитлар – ўтиш даврида, ҳаёт шартлари ўзгарадиган пайтда бўлади; романтик адабиётнинг умумий ғоявий йўналганлиги атроф-муҳитга воқеъликка танқидий назар билан қараш, эркинликнинг завқ-шавқи, балки мавжуд бўлган «ўзга» хақиқатни топишга интилиш, ва юқори эмоционал қизғинлик билан тавсифланади».[3]

НАТИЖАЛАР

Романтизм атрофидаги бахс-мунозара ҳеч тўхтаётгани йўқ, балки аксинча ошиб бормоқда. Европа романтизмидаги баъзи ҳусусиятларни англашда қандайдир ўзгариш бўлаётгандай гўё. Масалан, кўпгина олимлар романтизм бадиий метод сифатида XVIII аср ва XIX аср бошларида шаклланган деган фикр билан розидирлар.

Н.Я.Берковский фикрича «Аср ўртасига келиб (XIX аср) романтизм ёдгорликка айлана бошлаган» Н.Я.Берковский «Романтизм муаммолари» иккинчи тўпламида (М.1971й.) «... бизда яхши тадқиқ этилган романтизм таърифлари тарихи мавжуд, аммо биз бугунги кун фикри эҳтиёжларига мос келадиган романтизмнинг ўзлигига берилган таърифга эга эмасмиз» дея тан олган Н.Берковский немис файласуфлари ва романтизм шоирлари фикрларига таяниб, қуйидаги тезисни илгари суради « ... Романтиклар учун ҳамиша бўлиши мумкин бўлган воқеълик реалликдан илгаридир»[4]

Бундай тушунтириш, романтизмнинг асл моҳиятини очишга таваккал қилмай, романтик дунёқарашнинг мавжуд ҳусусиятини илғаб олмоқда.

Шу билан бирга, ҳар қандай реалистик йўналишдаги ижодкор доимо истаги ва бўлиши мумкин бўлган воқеъликни «соф» етказишга интилади. Агарда мавжуд воқеълик ижодкор онгида синиб, ўзгариб, фақатгина яратувчи учун эмас, балки, ўқувчи, тингловчи учун ҳам керакли тусга киритилмаганда, ўзининг

эстетик қийматини йўқотган бўлар эди. Кўнгилдаги орзу-муддао ва хақиқат бир-бири билан ҳамиша диалектик ҳамжихатликдадир.

Умуман санъат, ҳам романтик ҳам реали, ҳамиша орзу-истакни хақиқатга йўяди, хақиқат эса истак каби тасвирланади. Бўлмаса санъат хақиқат омилларини қуруқ баёнлаштириш ва омилларни қалбсиз қайд қилишга айланиб қолади.

Романтизм назариётчи олимларидан бири И.Ф.Волковнинг қарашлари эволюцияси жуда қизиқ. У I960 йилдаги «Романтизм» мақоласида қуйидагича таъриф келтирган: «... романтизмга, ўтиш даврида, типик характерларни субъектив-эмоционал мотивациялаш хос, ва бунинг натижаси ўлароқ, характерни уни яратган тарихий шароитлардан узилиши кузатилади ва уларни эстетик утопияларнинг ҳар-хил шаклларида субъектив-ажралган тарзда акс эттирилиши кузатилади»[5]

10 йилдан сўнг И.Ф.Волков романтизм таърифига яна қайтиб, унинг ўзига хос методлари ўзакларини чуқурроқ ўрганади. Агар биринчи таърифда у романтизм моҳиятини абстракт тарзда қамраб олишга интилган бўлса, иккинчи таърифида романтик метод тушунчасига доир ўз қарашларини, қадри баланд инсонлар кўринишидаги ҳаётни акс эттириш сифатида конкретлаштиради. «Демак, романтизм ҳаётни бадиий акс эттиришни қимматли инсонлар кўринишида тасаввур этади, улар атрофдаги ходисалардан характерлари нуқтаи назаридан ҳоли, улар ўзга уларга ҳамоҳанг оламга йўналган»[6]

Ушбу таъриф баъзи қўшимча изоҳлар билан адабиётда Европа романтизмини таърифлаши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, «романтизм адабиёт учун шахсни фақатгина ўзига хос такрорланмас индивидуал ҳусусиятлари билангина эмас, балки бой ички дунёси билан очиб берди»[7]

Романтизм адабиёти қахрамонлари булар шундай инсонларки – уларда ички импульслар аниқ йўналган, улар доимо ижтимоий, табақавий ва синфий эътиқодларнинг чангалидан ёрилиб чиқишга интиладилар. Романтик қахрамон маънан бой, аммо, бу бойликнинг акси индивидуал қайтарилмас «Мен»дан кўринмади.

Аммо бундай чуқур маънога эга таъриф барибир романтик дунёқараш билан боғлиқ барча савол ва тарафларни қамраб олмайди. Қандай қилиб қадри баланд инсонлар кўринишида манзаранинг тасвирланишини тушуниш мумкин? Ёки мусиқага таалуқлиликда «қадри баланд инсонлар кўринишида ҳаёт талқини»деганда нима тушунилади?

Бадиий ижоднинг у ёки бу туридаги аниқ тўғри илғаб олинган романтизм аспекти, санъатнинг бошқа кўринишлари ва жанрларида ушбу методнинг специфик кўринишларини қамраб ололмайди.

Умуман олганда, романтизмнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири унинг фольклор материалига ёки фольклор ифодасига таяниши ёки фольклор эстетик билиш ҳусусиятидан фойдаланишидир.

Агар романтизмнинг фольклор, мифология билан боғлиқлиги аниқ бўлса ва оғзаки фольклор, мифология оддий инсонларнинг, меҳнаткаш одамнинг фазилатларини, халқ қахрамонларининг гўзаллигини ва уларнинг роли ҳамда аҳамиятини янада оширса, унда нега романтик алоҳида шахсларни, афсонавий қахрамонларни кўпайтиришга интилиши тушунарли. Фольклорда хукмрон синфнинг ҳаёт тарзи ва фаолияти акс этиши, романтизмда фақатгина хукмрон синф ҳаёти акс этади дегани эмас, балки, эстетик эволюция даврларига хос хақиқатни бадиий акс эттиришни детерминантлашганидан дарак беради дегани.

ХУЛОСА

Кўриниб тургандек романтизм тушунчаси кескин бежамдорлик ва фикрларнинг қарама-қаршилиги билан характерланади. Ҳар бир тадқиқотчи романтизмни ўрганишда бир ёки бир қатор аолматларни бирлаштириб, умумлаштиришга ҳаракат қилади. Бир қатор олимлар романтизмда субъективизм, қизғин эҳтирос, эмоционал тажанглик, интуитивлик, индивидуализмни, ақлдан кўра ҳиссиётларнинг устунлигини, пессимизм, ўз ички оламига шўнғиб кетишни асосий ҳусусиятлар дея таърифласалар, қолганлари, романтизм ўзига хослигини ўтмишни идеаллаштиришда, идеалга интилишда, қалбнинг эркинликка бебош шиддатли интилишида, фантазиянинг куч билан осмон узра учишида, табиатнинг пантеистик илоҳийлаштирилишида, келажак хақидаги орзуларда, Шарққа бўлган қизиқишда, фольклор анъаналари ва х.к.ларда излайдилар.

Деярлик барча олимлар бадиий умумлаштиришдаги романтизм методида гиперболалик, фантастиклик, идеализация, аллегория, тимсолга интилиш, шартлилик, максимализм, ўзига хослик, қахрамонларнинг титанлиги, мумтоз анъаналардан воз кечиш, тасвирлаш воситаларининг бой, ранго-ранглигини таъкидлайдилар.

Бу аломатларнинг бари хақиқатдан ҳам романтизмга хосдир. Лекин, бир нечта аломатларга таяниб романтизмга таъриф бериш мумкин эмас. Муҳими романтизм аломатларининг системаси ва структурасини яққол аниқ кўра билишдир, ана шуларга асосланиб романтизмга аниқ таъриф бериш мумкин.

Бизнинг фикримизча, романтизм бу – инсониятнинг чексиз маънавий туб моҳиятини кўрсатишга интиладиган, хақиқатни идрок этишда идеаллаштирилган яратувчанлик устун келадиган бадиий билишнинг маълум

бир тури.

REFERENCES

1. Ф. М. Головенченко. Введение в литературоведение, М.: 1964, стр. 303.
2. У. Р. Фохт. Некоторые вопросы теории романтизма. (Замечания и Гипотезы), Сб. «Проблемы романтизма», М.: 1967, стр.85.
3. Н. Я.Берковский. О романтизме и его первоосновах. Сб. «Проблемы романтизма». М.: 1971, стр .18.
4.И.Ф. Волков. Романтизм как творческий метод. Сб. «Вопросы романтизма». М.:1971, стр. 61.
5. Л. Тимофеев. О понятии художественного метода. Сборник «Творческий метод». М.: 1960, стр.47-48.2020.С.274-275 .
6. Urakova. O. J. The search for national and universal in art in the context of romanticism. Theoretical & Applied Science. 07 (87) 2020 .С 29-32.
7. Urakova Oysuluv Jamoliddinovna. The praise of nature and the universe in Novalis romance. //EPRA International Journal of Research and
Development (IJRD) Volume: 5 | Issue: 7 | July 2020.С.274-275 .
8. O. J. Urakova. Expressiyon of Romanticizm in Art Literature. Экономика и социум. №3 (58) 2019.70-72.
9. Ғаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(3), 102-114.